

Фарзанд тарбияси (9-дарс)



10:45 / 06.12.2017 4684

Маҳмуд отаси билан масжидга аср намозига борди. Улар уйга қайтганларида Маҳмуднинг онаси ва Фотима уларни кутиб турардилар. Шунда яхшилик ва барака дарси бошланди.

Ота: «Маҳмуд, масжид имоми бизга айтган ҳадиси шариф эсингдами?» деди.

Маҳмуд: «Ҳа, отажон, уни яхши эслайман. АЛЛОҲга ҳамд бўлсинки, уни ёдлаб олганман», деди.

Ота: «Сенга АЛЛОҲнинг баракаси бўлсин, ўғлим», деди.

Она: «Уни сендан эшитмоқчимиз, Маҳмуд», деди.

Маҳмуд деди: «Хўп бўлади, онажон. Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Яхшиларингиз Қуръон ўрганиб, ўргатганларингиздир».

(Имом Бухорий ривояти.)

Ота: «Ҳақиқатда... Улуғ Аллоҳнинг ҳузурида мусулмонларнинг яхшиси ва афзали Қуръони кариймни ўрганиб, ёд олиб, тиловатини мукамал қилиб, маъноларини тушунганларидир. Сўнгра Қуръонни ёдлатса, ўргатса, ана у АЛЛОҲнинг ҳузурида инсонларнинг яхшиси ва афзалидир ҳамда жаннатдаги ўрни энг баланддир», деди.

Маҳмуд: «Эй оламлар Роббиси бўлган Аллоҳим, мени ўшалардан қилгин», деди.

Ота: «Мусулмон биродарларингни дуоингда эсдан чиқармагин, Маҳмуд», Дея эслатди.

Маҳмуд: «Мени, ота-онамни, синглимни ва барча мусулмонларни ўшалардан қилгин, эй оламлар Роббиси бўлган Аллоҳим!» деди.

Ота деди: «Суюклиларим, Қуръони кариймга боғлиқ одоблар бордир. Роббимизнинг каломига нисбатан ўша одобларга риоя қилишимиз зарур. Улар:

- 1) Қуръон ўқиганимизда таҳоратли бўлишимиз ва одоб, виқор ила ўтиришимиз;
- 2) Қуръон эшитганимизда бутунлай жим қолиб, одоб ва хушув билан эшитишимиз;
- 3) Уни ўқиш ва эшитишимиз билан улуғ Аллоҳнинггина розилигини мақсад қилишимиз;
- 4) Қироатни бошлашдан аввал **«Аъзу биллаҳи мишаш шайтонир рожийм»** («АЛЛОҲдан қувилган шайтондан паноҳ (беришини) сўрайман»), дейишимиз керак.

Мана бу гўзал шеърни тингланг:

Қуръон - Аллоҳнинг каломи,

Қанчалар гўзал, қанча ёқимли!

Қуръон - бу Фурқон,

Ботил ва иймон орасида.

Қуръон - бу дастур,

Инсонларга нурли йўл.

Бор ҳаётим белгиловчи,

Бор ҳаётим қувончи».

Фотима: «Бунчалар гўзал сўзлар, отажон! Бугун тонгги ва кечки зикрлардан қайсисини ёдлаймиз?» деди.

Ота деди: «Бугун, фарзандларим, муҳим бир зикрни ёдлаймиз. Инсон уни уйғоқ ҳолда қалб ила тонгда уч маротаба айтса, унга озор ёки ёқимсиз нарса етмайди, шайтон ҳам кечга қадар унга зарар етказа олмайди. Ва кечки пайт уч марта айтса, унга ёмонлик тонггача етмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг кирганда ушбу дуони айтар эдилар:

وَوَءَامِّسَلَايَفَآلْوَضْرَأَلَايَفُءَيَشْوَءْمَسَاغْمُؤُصَيَّآلَايَدَّلَاوَلَلَاْمَسَاب
مُيَلَعَلَاغِيْمَسَلَا

“Бисмиллаҳиллазий лаа язурру маъасмиҳи шайъун фил арзи ва ла фис самаи ва ҳувас самийъул ъалийм”.

(Маъноси: «Исми ила осмону ерда ҳеч нарса зарар қилмайдиган АЛЛОҲ номи ила ва У Зот эшитувчи ва билгувчидир».)

(Абу Довуд ривояти.)

Маҳмуд: «Ҳақиқатда бу улуғ зикр экан, отажон! Улуғ Аллоҳнинг исми ила ҳеч нарса зарар қила олмайди. Бугун Аллоҳнинг гўзал исмларидан қайсиларини ёд оламиз, отажон?» деди.

Ота: «Аллоҳнинг гўзал исмларидан **Самийъ** (ҳар бир нарсани эшитувчи), **Басийр** (ҳар бир нарсани кўрувчи), **Ҳакам** (ҳукм қилувчи), **Мубийн** (очиқ-ойдин, зоҳир, У Зот ҳақ билан ноҳақ орасини ажратиб берувчи) бордир»,

